2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

35 (637)

2008 йил 27 август

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2
▶ Шўманай шодиёнага шай!
▶ Қуш сайлидан ўтиб, гул сайлига келинг!

3
▶ Пайарикда катта тўй бўлди
▶ Юртга мададкор ёш бунёдкорлар

4
▶ Ҳаққул бахши ҳақ гапни айтди...
▶ "Қашқар балдоқ" қайта тикланди

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шонш-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга* ***"Ўзбекистон Қаҳрамони"*** *унвони берилиб, олий нишон –* ***"Олтин юлдуз"*** *медали топширилсин:*

**АБДУЛЛАЕВА Сиёсатхон** — Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**БАХРОМОВ Исахан Насирович** — Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**КАРИМОВ Эгамберган Каримович** — Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, Хоразм вилояти

**СОЙИБОВ Фархат Яхшиевич** — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

**ХОЖАНИЯЗОВ Гайратдин** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг археология бўлими мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 август

Абдуллаева Сиёсатхон

Бахромов Исахан Насирович

Каримов Эгамберган Каримович

Сойибов Фархат Яхшиевич

Хожаниязов Гайратдин

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**"Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"**

**Лутфуллаев Баҳрулла Амруллаевич** — Ўзбекистон давлат санъат институти профессори, композитор

**Шамсуддинов Рустам Динамович** — "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси бадиий раҳбари, эстрада ва оммавий байрамлар режиссёри

**"Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"**

**Сулаймонов Рустам Ҳамидович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси профессори

**Юнусов Мираҳмад Пўлатович** — Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

**"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"**

**Номозов Маҳмуд Алматович** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Кайипназарова Турсингул Айтимбетовна** — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

**Ражабов Мурод Ёдгорович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, киноактёр

**«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"**

**Ўмиров Кара (Қора бахши)** — Бахши, Сурхондарё вилояти

**"Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми"**

**Бакиров Обиджон Соибжонович** — "Рассом" ижодий ишлаб чиқариш корхонаси рассоми

**"Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"**

**Иброҳимова Муҳаррам Неъматовна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакори

**"Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»**

**Иброҳимов Абдунаби Бегимқулович** — Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли хонандаси

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"**

**Абдиева Гулишод Эсонбековна** — "Ўзбекрақс" бирлашмаси "Тановар" рақс ансамблининг балет артисти

**Азатова Феруза Муроталиевна** — "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли рақҳосаси

**Арслонов Ҳошим Саломович** — Ўзбек давлат драма театри актёри

**Кенжаев Йўлдош Ҳакимович** — Бухоро вилоят қўғирчоқ театри бадиий раҳбари

**Маҳмудова Нодира Умаровна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Неъматова Нигина Фарҳодовна** — "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли балет артисти

**Раҳматов Диас Неъматович** — "Ўзбекфильм" киностудияси актёри

**Раҳимова Ҳосилахон Иброҳимовна** — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги "Навниҳол" халқ ансамбли хонандаси

(Давоми 2-саҳифада)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2008 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# Ватанни шарафлаш бахти

## Ўзбекистон XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олди

***Юртимизда Истиқлол байрами насимлари кезиб юрган шу шукуҳли кунларда Ўзбекистон спортчилари XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Жаҳоннинг 204 мамлакати вакиллари иштирок этган мазкур халқаро спорт анжуманида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Улар бир олтин, 2 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди. 26 август куни Тошкент аэропортида Пекин Олимпиадаси совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.***

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги вакиллари, олимпиадачиларимизнинг ота-оналари ва яқинлари, спорт мухлислари йиғилди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чуқур ҳаяжон, чексиз қувонч ва фахр билан спортчиларимизни қутлашга чоғланади...

Ўзбекистон спортчиларининг Пекин Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари замирида, аввало, юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Айнан истиқлол шарофати билан, ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, спортни ҳам жадал ривожлантириш, ўзбек спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имкони яратилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда эркин демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланганди.

Ўтган давр мобайнида ана шу эзгу мақсад йўлида, фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, бардам-бақувват инсонлар сифатида камолга етиши учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Бунинг самараси ўлароқ, юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақалари бераётган юксак самаралар, болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борадаги хайрли амаллар натижасида юртимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари, стадионлар барпо этилиб, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Бундай кошоналарда халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтаришга қодир ёш спортчиларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда.

**Мустақиллик йилларида ўзбек спортчилари ёзги Олимпиада ўйинларидан медалсиз қайтмаган. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон спортчилари илк бор мустақил жамоа сифатида иштирок этиб, битта кумуш, битта бронза медалини қўлга киритган эди. Кейинги Олимпиадаларда вакилларимиз эришган натижалар янада залворли бўлди. 2000 йилги Сидней (Австралия) Олимпиадасида спортчиларимиз биринчи олтин медални қўлга киритди. 2004 йили Афинада ўтказилган Олимпиадада курашчиларимиз терма жамоамизга иккита олтин медални тақдим этди.**

Юртдошларимиз Пекин Олимпиадасида ҳам зафарли одимларини давом эттирди. Бунда юртимизда спортчиларимизнинг Олимпиадага тайёргарлик кўриши учун барча қулайликлар яратилгани муҳим омил бўлди. Хусусан, уларнинг маҳорати ва тажрибасини ошириши учун халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашиши, хорижий давлатларда ва юртимизда ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди. Спортчиларимизнинг юқори спорт тайёргарлигини таъминлашга кўмаклашувчи илмий-услубий, тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказилди. Спортчиларимиз жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги спорт анжомлари билан таъминланди.

**Президентимиз Ислом Каримовнинг XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этгани, Олимпия шаҳарчасида мамлакатимиз спортчилари билан учрашиб, уларга оқ фотиҳа бергани вакилларимизнинг кучига куч қўшиб, ўзига, ўз куч ва имкониятларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.**

Ўзбекистон фарзандларининг Чин юртида намойиш этган матонат ва жасорати эвазига Давлатимиз байроғи бир неча бор кўтарилди, мадҳиямиз янгради. Олимпиаданинг дастлабки куниёқ, 21 ёшли дзюдочимиз Ришод Собиров 60 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирди. Оғир вазнли дзюдо устаси Абдулла Тангриев германиялик Андреас Толзер, польшалик Януш Войнарович, франциялик Тедди Ринерлар устидан зафар қучиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Сослан Тигиев эркин кураш бўйича баҳсларда Руминия, Греция ва Белорусь вакилларини енгиб, терма жамоамиз жамғармасига иккинчи кумуш медални келтирди. Екатерина Хилько трамполиндан сакраш бўйича, спорт гимнастикасида брусда бажарилган машқлар якунига кўра Антон Фокин бронза медалини қўлга киритди.

21 август куни эркин кураш баҳсларида гиламга чиққан вакилимиз Артур Таймазов дунёдаги энг кучли курашчи эканлигини яна бир бор исботлади. У озарбойжонлик Али Исаев, кубалик Дисней Родригес, словакиялик Давид Мусулбес каби номдор полвонларни мағлуб этиб, ҳал қилувчи баҳсда Россия вакили Бахтиёр Аҳмедовни муддатидан олдин мағлубиятга учратди. А.Таймазов эришган юксак ғалаба шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Таэквондочиларимиз Акмал Эргашев, Евгения Каримова, каноэда эшкак эшиш устаси Вадим Меньков ҳам юқори ўринлардан жой олди. Бир сўз билан айтганда, нуфузли мусобақада барча вакилларимиз ўзининг бор куч ва имкониятларини ишга солиб, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилди.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар — Олимпиадачиларимиз юрт байроғи, Олимпиада медаллари билан Ўзбекистон заминига қадам қўйди. Миллий либосдаги қизлар уларга гуллар тақдим этишди. Она юртига ёруғ юз билан қайтган вакилларимизнинг юзида қувонч.

Тадбирда йиғилганлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари спорт соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли юртимиздан дунёга донғи кетган спортчилар етишиб чиқаётганини алоҳида қайд этдилар. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина бунёд эта олади. Бундай қутлуғ зафарлар замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, Мустақиллик аталмиш ноёб неъмат тортиқ қилган буюк имконлар мужассам.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармони, Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори спортчиларимиз томонидан катта миннатдорлик билан қабул қилинди.

Олимпиадачилар номидан сўзга чиққан А.Таймазов, А.Тангриев доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келаётгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Пекин Олимпиадасида Ўзбекистон спортчилари ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодир эканини яна бир бор яққол намоён қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** *XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медали соҳиби Артур Таймазов ва бронза медали соҳибаси Екатерина Хилько*

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Эшмуродова Зулфия** — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Қаюмова Малика** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Абдуазизова Назира** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

**Матёқубов Камол** — "Ўзбекистон" телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар муҳарририятининг қадрият бўлими катта муҳаррири

**Мирзаев Гулом Абдирайимович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Республика ахборот таҳририяти бош муҳаррири

**Сайдалиев Суннат Жўраевич** — "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

**Абулқосимова Ханжара Носировна** — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

**Анненков Петр Тимофеевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Бобомуродова Хосият** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, публицист

**Бурҳонов Асомиддин Аловиддинович** — "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти бош рассоми

**Ёқубов Бахтиёр Раҳимович** — Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет академик катта театри директори

**Зоитов Фатхулла Эргашевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканали бош режиссёри

**Маҳмудова Малоҳат** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Ортиқов Умид Умарович** — Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси кинооператори

**Муҳаммадиев Насриддин** — Республика байналмилал маданият маркази директори

**Расулов Саидакмал Азимович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телеканали теледизайнери

**Тўйчиев Ёлқин Эркинбоевич** — "Ўзбекфильм" киностудияси кинорежиссёри

**Шаҳобиддинов Аюб Шопатҳиддинович** — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"

**Ғафуров Бахтиёр** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг неврология кафедраси мудири

**Умарова Раъно Ҳамидовна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти рентгенология бўлими мудири

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Хан Владислав Николаевич** — "Севинч" аёллар футзал жамоаси бош мураббийи

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

**Аманмурадова Акгуль Чариевна** — Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси

**Дониёров Тўлашбой Ашуралиевич** — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

***Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### "Буюк хизматлари учун" ордени билан

**Ғаниева Суйима Ғаниевна** — Тошкент давлат шарқшунослик институти мумтоз филология кафедраси профессори

**Исмоилов Ҳошимжон (Абдуҳошим Исмоилов)** — Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли бадиий раҳбари

**Раҳимов Мирзаадҳам Мирзаҳакимович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультети кафедра мудири

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Бафоев Мустафо** — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

**Ёқубов Ғуломиддин Тошпўлатович (Ғуломжон Ёқубов)** — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Мўминов Қодир Тошқинович** — "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Раҳмонов Абдуғафур Воҳидович** — Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг операция бўлими мудири

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Абзалов Мелис Орипович** — "Ўзбекфильм" киностудияси кинорежиссёри

**Абдужабборов Сулаймон** — Республика онкология илмий маркази колопроктология бўлими раҳбари

**Абдусаматов Ҳафиз Шоаҳмедович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**Дадаҳўжаева Умида Камоловна** — Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Иброҳимов Оқилхон Акбарович** — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг мусиқа тарихи бўлими мудири

**Малинина Ольга Васильевна** — Тошкент шаҳар, Яккасарой туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими мудири

**Маҳмудов Фарҳод Шавкатович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканалининг "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

**Махсудов Миртожибой Махсудович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри ижрочи рассоми

**Мирзааҳмедов Мираббос** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви режиссёри ва бошловчиси

**Мирзоҳидов Мирсобир** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомаркази бош директорининг биринчи ўринбосари — Тошкент телемаркази директори

**Митанов Холмурод Абдурасулович** — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехининг колбус участкаси бригадири

**Ниёзов Равшан Шоюсупович** — "Устазода" корхонаси ганч ўймакори

**Раҳимжонова Марғуба Ёқубовна** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти

**Хўжаев Озод** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кардиоцеребрал касалликлар лабораторияси мудири

**Ҳожиматов Қаҳҳор** — Ўзбекистон Фанлар академияси "Ботаника" илмий ишлаб чиқариш марказининг лаборатория мудири

**Кўчқоров Бахтиёр Аллаёрович** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими хирурги

**Сотволдиева Маҳбуба Насриддиновна** — Фарғона вилояти, Фарғона тумани Шоҳимардонобод қишлоқ врачлик пункти мудири

**Эгамбердиев Шуҳрат Абдуманнопович** — Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти директори

**Ҳамроева Гули Раззоқовна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори

***Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Арифхонова Маҳбуба** — Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш маркази бош врачи

**Жалилова Дилором** — Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мамадумарова Ширмонхон Ёқубжоновна** — Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлими врач-неонатологи

**Матёқубова Зевар Матёқубовна** — Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Гулобод қишлоғидаги "Сабурзон" маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Қаландарова Амина Нуруллаевна** — Республика скрининг марказининг Нукус филиали директори

***Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### "Дўстлик" ордени билан

**Авезов Сотимбой (Сотим Аваз)** — "Урганч оқшоми" газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

**Азимжонова Назирахон Каримовна** — Андижон вилояти, Балиқчи тумани Балиқчи қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Базарбаева Нуркул Алимбаевна** — Навоий вилояти, Конимех тумани маданият ва спорт ишлари бўлими "Жас тулек" ансамбли бадиий раҳбари

**Власов Дмитрий Геннадьевич** — "Ўзбекфильм" киностудияси мультфильмлар режиссёри

**Дурманова Лариса Евсеевна** — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**Исматиллаев Холмаҳмат** — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, кулол

**Кучеренко Людмила Михайловна** — "Народное слово" газетаси масъул котиби

**Матчонов Оллоёр Рўзметович** — Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани Зарбдор қишлоқ врачлик пункти мудири

**Муродова Дилора Аҳмедовна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

**Ни Анатолий Александрович** — Ўзбекистон Фанлар академияси Геология ва геофизика институти катта илмий ходими

**Прохоров Сергей Аркадьевич** — Республика ихтисослаштирилган урология маркази даволаш-диагностика бўлими мудири

**Тошматова Зуҳра Шуҳратовна** — "Офарин" замонавий рақс театри солисти

**Турсунов Махсут Муҳитович** — Бухоро вилояти, Когон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси

**Шин Агрепина Васильевна** — Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори

**Шоюсупова Мархабо Умурзоқовна** — Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани "Найман" маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Эшонқулов Маҳмуджон** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Ўрмонов Турсунали** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шоир

**Ғуломова Гулнора Ўринбоевна** — Ўзбекистон давлат табиат музейи бош фонд сақловчиси

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### "Шуҳрат" медали билан

**Бектемирова Гулноза Рустамовна** — "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг Сирдарё вилояти координатори

**Бозоров Абдулла** — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасининг бўлим мудири

**Борзенко Сергей Яковлевич** — Самарқанд вилояти, Булунғур тумани 9-сон болалар мусиқа мактаби директори

**Жўраева Зинура Абдукаримовна** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Зиёхонов Хуршид Жавидович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график рассом

**Заирова Алмагул Турдимуратовна** — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Зайниддинов Сирожиддин Савронбекович** — Ўзбекистон миллий параолимпия ассоциацияси спортчиси, шахматчи

**Икромов Сайфулла Ҳамдамович** — "XXI аср" газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири

**Исмоилова Ирода Исмоил қизи** — "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси раққосаси

**Исроилов Баҳодир Исмоғилович** — Тошкент шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари

**Йўлдошев Равшан Сотиболдиевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими аъзоси, маҳобатли безак рассоми

**Камалов Азат Жаксиликович** — Нукус телерадиомарказининг тасвир монтаж гуруҳи бошлиғи

**Мирзаҳўжаев Саидаҳмад Турсунхўжаевич** — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

**Муродова Мавжуда** — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг ахборот-ресурс маркази раҳбари

**Наурзалиев Руслан Маратович** — Академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Нурмуродов Яхшибой** — Самарқанд вилояти, Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам маркази кардиологи

**Ортиқов Эшпўлат Рўзиевич** — Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси

**Примбетова Бибираба Тлепбергеновна** — Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туман қишлоқ врачлик пункти мудири

**Раҳимова Альфия Ражабовна** — Бухоро вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси ҳамшираси

**Раҳматуллаева Махсуда Турғунбоевна** — "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти маркази директори

**Раҳмонов Чоршанби Ҳайдарович** — Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бош муҳандиси

**Сайдумаров Саидакром Эргашевич** — Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

**Султонов Ислом Исломович** — "Ҳуррият" газетаси бўлим мудири

**Султонов Рафиқжон Мамасолиевич** — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Тожихўжаев Тўлаган** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

**Туремуратов Шарибай Науризбаевич** — Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Табиий фанлар комплекси институти лаборатория мудири

**Усманов Нурлан Октамович** — "Маърифат"-"Учитель Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари

**Холодова Наталья Юрьевна** — Сурхондарё вилояти, Термиз олимпия захиралари коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

**Швец Владимир Александрович** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қолиплар тайёрлаш цехи оператори

**Шомансуров Шоолим Шоисломович** — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, миниатюрачи наққош

**Эгамов Рамазон** — Навоий вилоят ўлкашунослик музейи директори

**Эрматова Ҳабиба Раҳимовна** — Республика маънавият тарғибот марказининг Жиззах шаҳар бўлими тарғиботчиси

**Эшонқулова Муҳайёхон Ҳабибуллаевна** — Наманган вилояти, Наманган туманидаги Тошбулоқ саноат касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси

**Ўрмонов Музаффар** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

**Фаттоева Зарина Аҳмедовна** — "Офарин" замонавий рақс театри солисти

**Кувватов Умриузоқ Йўлдошевич** — Қашқадарё вилоят ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Қосимова Феруза Абдувалиевна** — Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани "Ёшлар" қишлоқ врачлик пункти мудири

**Ғайбуллаева Манзура Суроновна** — Навоий вилояти, Кармана туманидаги 25-махсус мактаб-интернатининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

**Ҳасанова Роҳиба** — Самарқанд вилояти, Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг физика ва астрономия фани ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 25 август*

---

Тошкент шаҳри

# Маҳалладошлар сайилга чиқди

***Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла тизими Истиқлол йилларига келиб том маънода ўз ўрнини топди, унга эътибор ортди. Бугун маҳалла жамият бошқарувининг энг муҳим бўғинига айланди, десак янглишмаймиз.***



Ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини, жамият ҳаётидаги нуфузини янада оширишда турли мавзудаги тадбирларнинг аҳамияти катта. Ҳар йили Истиқлол байрами арафасида юртимизнинг ҳар бир гўшасида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Маҳалла куни» тантаналари ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган анъанавий «Маҳалла куни» тадбири бўлиб ўтди. Халқ сайли тарзида ўтказилган мазкур тадбир «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими, пойтахтдаги қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир доирасида нон, қуш, қовун ва гул сайиллари уюштирилиб, корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган кўргазмалар, маҳаллалар ҳаёти ва маҳалла фаоллари фаолиятини акс эттирувчи паннолар намойиш этилди. Шунингдек, пойтахт маҳаллалари ўртасида бир неча йўналишлар бўйича ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари ҳам аниқланди. «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» йўналиши бўйича 1-ўрин Бектемир туманидаги Роҳат, 2-ўрин Учтепа туманидаги Хондамир, 3-ўрин эса Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. «Маҳаллам тарихини ўрганаман» йўналишида Юнусобод туманининг Оқтепа, Собир Раҳимов номидаги туманнинг Қорасарой, Ҳамза номидаги туманнинг Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллалари ғолиб бўлишди. «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси», «Энг обод маҳалла», «Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси», «Маҳалла жонкуяри» ва бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди. Бу йилги кўрик-танловга янги — «Ҳудудни ободонлаштиришда ҳашарни энг яхши йўлга қўйган маҳалла» йўналиши ҳам киритилган эди. Ушбу йўналиш бўйича 1-ўринга Мирзо Улуғбек номидаги туманнинг Гулистон, 2-ўринга Миробод туманининг Абдулла Авлоний номидаги, 3-ўринга Сергели туманининг Янги Ҳаёт маҳалласи лойиқ топилди.

«Маҳалла куни» тадбирига полвонлар ва дорбозларнинг чиқишлари, санъат усталари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ўзгача файз киритди.

**МУХБИРИМИЗ**

---

Қорақалпоғистон Республикаси

***Устюрт саҳроси сарҳадларига чегарадош Шўманай туманида Мустақилликнинг 17 йиллик тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Тўйга тўёна билан, деган нақлга амал қилган шўманайликлар байрамга муносиб совға тайёрлашди — туман марказидаги спорт мажмуаси битказилиб, тиббиёт коллежининг ўқув биноси, спорт зали, ошхона ва бошқа ёрдамчи биноларида сўнгги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилянти.***

# ШЎМАНАЙДА ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАЛАРИ

Шунингдек, тумандаги иккита маҳаллада болалар учун спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Анъанага мувофиқ байрам арафасида қам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман мураккаб географик шароитда жойлашгани боис сув таъминоти борасида қатор муаммолар мавжуд эди. Сув тақчиллигига барҳам бериш мақсадида Деҳқонобод каналидан 13 километр узунликдаги янги сув тармоғи тортилиб, ўнлаб фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқалари оби ҳаёт билан таъминланди. Бу чора пахтачиликдан ҳам юқори ҳосил кўтариш учун сабаб бўлмоқда.

Шўманай тумани ҳудудида яйловлар кўп. Бу чорвачиликни ривожлантириб, гўшт, сут ва жун маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

— Туманимиз ҳудудида 26 минг гектарга яқин яйлов майдонлари мавжуд, — дейди туман ҳокими Раҳмонберди Раззоқов. — Қулай табиий шароит туфайли фермер ва шахсий хўжаликларда парвариш қилинаётган қорамолларидан маҳсулот олиш йил сайин ортиб боряпти. Жорий йилда чорвадорларимиз 5 минг тонна сут, 1700 тонна гўшт тайёрлашга аҳд қилишган. Барча соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришаётганимизнинг асосий сабаби давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни халқ хўжалиги тармоқларига тўғри татбиқ этаётганимиздандир. Туманимиз аҳли Истиқлол байрамини меҳнатдаги ютуқлар билан кутиб олишмоқда.

**Асил Бек,**
**«Mahalla» мухбири.**

***Биз мустақил Ўзбекистоннинг илк битирувчилари бўлганмиз. Гарчи мактабни олтин медалга тугатган бўлсамда, кира олармиканман, деган ҳадик билан институтга ҳужжат топширганман. Чунки бунгача амалда бўлган уч босқичли имтиҳонлардан таниш-билишсиз ўтиш амримаҳол, деган тушунчалар фикримизга ўрнашиб қолганди.***

# Истиқлол берган туйғу

Бахтимизга юртимизда Истиқлолнинг илк йилидаёқ олий таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди — 19 та олий ўқув юртига тест синовлари асосида қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўшанда жуда кўп ёшлар юрак ютиб, ўзлари танлаган соҳалар бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди. Истиқлолнинг бебаҳо неъмат эканини дастлаб институтга қабул қилинганлар рўйхатида эканимни кўриб ҳис қилган эдим. Яна бироз вақт ўтиб, вилоятлардаги институтларга университет мақоми берилди. Ҳа, Истиқлолнинг илк қадами ёшлар учун қутлуғ келган эди.

Бугун 1-синфга бориб, Президент совғасини олган фарзандларимнинг кўзларида порлаган шодлик учқунларини кўрганимда бир она сифатида кўнглимдан кечган туйғуларни таърифлашга сўз ожиз. Спорт билан шуғулланаётган ўғлим олимпиада чемпиони бўлиб, юртимиз байроғини юқори кўтариш, мусиқа ва шеириятга ҳавасманд қизалоғимнинг Зулфия номидаги мукофотга сазовор бўлиш орзусида экани шу мурғак қалбларда ҳам Ватан туйғуси жўш ураётгани, улар ҳам юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътиборни ҳис этаётгани ва унга муносиб жавоб беришга интилаётганидан далолат эмасми?

Ҳар гал туғилиб ўсган қишлоғим сари борар эканман, юртимизда Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларидан лол қоламан. Бунёдкорлик кўламини биргина Қамчиқ довонида олиб борилган ишлар мисолида ҳам кўриш, яққол тасаввур этиш мумкин. Кенг ва равон йўлларда елдек учаётган ўзбек автомобилларини кўриб, қайси биримизнинг кўзимиз қувнамаган дейсиз?! Ёки бир пайтлар кимдир бизнинг қишлоқда ҳам замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган коллеж қурилади, деб айтса, унинг гапига ишонмаслигимиз турган гап эди. Буни қарангки, мустақиллик шарофати билан бугун қишлоғимизда қад ростлаган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида минглаб йигит-қизлар таҳсил олишмоқда. Иқтидорли болалар мактабида эса турли фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар мавжуд. Республикамизнинг турли ҳудудларида, энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳар йили ўнлаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг барпо этилаётганининг ўзиёқ Ўзбекистонда ёш авлодга эътибор қай даражада эканини кўрсатади.

Миллий университет мақомини олган олий ўқув юртининг аспирантурасида таҳсил олиш мобайнида илм-фан аҳлига, ёшларга, уларнинг чуқур билим олишлари, иқтидорларини юзага чиқариши учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан баҳраманд бўлдим. Дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, тажриба алмашиб қайтган, давлат мукофотлари, турли стипендиялар совриндори бўлган ёшлар билан танишдим. Ёшларимизнинг катта-катта минбарлардан чет тилларда равон маъруза ўқиганини, мақолалари, ижод намуналари дунёга машҳур газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилгани ёхуд ўзи танлаган соҳа бўйича муваффақиятга эришганини кўрсам, ғурурланаман, юрт келажаги ишончли қўлларда эканидан қувонаман. Баъзан эса дилда ўқувчилик йилларим Истиқлол даврига тўғри келмаганидан ўкинч пайдо бўлади. Чунки мактабимизда бирорта ҳам чет тили ўқитувчиси бўлмагани боис биз чет тилини ўрганолмадик. Эрта баҳордан ягана, чопиқ, пилла териш, сентябрь ойидан кеч кузаккача пахта терими мавсуми деб умримизнинг энг ғанимат лаҳзаларини беҳуда йўқотганимизни энди афсус билан ёдга оламан.

Биз таҳсил олган мактаб биноси анча эски эди. Бошқа бир мактаб биносининг қурилиши тугалланмай қолгани туфайли икки мактаб жамоаси бир бинода ўқув йилини бошлашга мажбур бўлди. Дарслар икки сменада ташкил этилди. Ўқув хоналари етишмаслиги туфайли синфимиз омборхона учун мўлжалланган бинода ўқийдиган бўлди. 45 нафар ўқувчи тор, қоронғи хонадаги кичкина парталарда учтадан сиқилишиб ўтирардик. Ўшанда республика газеталаридан бирига «Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига» сарлавҳаси остида танқидий мақола ёзиб юборгандим. Гарчи мақолам газетада чоп этилмаган бўлса-да, анча-мунча даҳмазаларга сабаб бўлди, мактаб директори ва ўқитувчилар бундан буён мақола ёзсанг, бизни, албатта, хабардор қилгин, маслаҳат сўрагин, деб тайинлашди. Билмадим, балки ўшанда бугунгидек шинам синфхоналарда ўқиш истаги қўлимга қалам тутқазганмиди? Ҳозир «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммилий дастури» доирасида қишлоғимиздаги айрим мактаблар бутунлай қайта қурилаётган бўлса, айримлари таъмирланаётган экан. Шукрки, биз орзу қилган мактабларда фарзандларимиз билим олишяпти.

Бир пайтлар қишлоғимиз марказидаги кўримсизгина шифохона уч-тўрт қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатар эди. Ҳозир ҳар бир қишлоқда замонавий жиҳозланган врачлик пунктлари, хусусий клиникалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Фермерлик, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳамқишлоқларимнинг саъй-ҳаракати билан ўнлаб кишиларнинг иш билан таъминлагани, кўмакка муҳтож маҳалладошига меҳр-мурувват кўрсатгани, йўлни асфальтлаб, кўприк қурдирганини эшитсам, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Бугун юртимизда Истиқлол шарофати билан барча соҳаларда ўсиш, ривожланиш жадал кечмоқда. Бироқ бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолаётгани йўқ. Унинг замирида юртдошларимизнинг меҳнати, заҳмати ётибди. Ватанимизни тенглар ичра тенг кўриш, унинг равнақига ҳисса қўшиш истагида яшаётган, тер тўкаётган юртдошларимизга меҳнатларининг самарасидан баҳраманд бўлиш, фарзандларининг камолини кўриш бахти насиб этгай, албатта.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**
**журналист.**

Самарқанд вилояти

# Ёш оилалар учун КАТТА ТЎЙ

***Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ жойларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.***

**Кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ва оилавий тантаналарини ўтказиш анъанага айланган.**

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида бундай хайрли ишлар қамрови янада кенгаймоқда.**

**Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси ташаббуси билан ҳомий корхона ва ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар кўмагида элликдан зиёд ёш оиланинг никоҳ тўйи ўтказилиши ана шундай эзгу ишлар сирасига киради.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А.Рустамов, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари А.Ўринбоев ва бошқалар юртимизда ёшлар камолотига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фаровон турмуш кечириши учун яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, ёш келинкуёвларга бахт-саодат тиладилар.

— Ёшларимизнинг бахт ва висол айёмлари энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Сайдулла Бойзоқов. — Келин-куёвларга жамғарма томонидан уч миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, ҳомийларнинг совғалари берилди, шунингдек, уларнинг ҳар бирига тижорат банклари томонидан уй-рўзғор буюмлари, маиший техника воситалари сотиб олишлари учун имтиёзли кредит ажратилди.

— Ёшлар йили бизнинг оиламиз учун бир олам қувонч келтирди, — дейди Тўполос маҳалласида яшовчи Эргаш Қўзибоев. — Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар орасида икки ўғлим — Бекзоджон ва Шерзоджон ҳам бор. Хонадонимга икки келин тушганидан, иккита фарзандим тўртта бўлганидан мамнунман. Бундай хайрли ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тантанага янада файз бағишлади.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Футболимиз келажаги» турнири

# Минтақавий босқич ғолиблари – ФИНАЛДА

***«Футболимиз келажаги» турнирининг 15-16 ёшлилар ўртасидаги минтақавий босқич мусобақалари якунланди. Унда иштирок этган турнирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ғолиблари икки гуруҳга бўлинган ҳолда Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ўзаро куч синашдилар.***

Жумладан, Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳида бўлиб ўтган мусобақаларда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари финал йўлланмаси учун майдонга тушдилар.

Қизғин баҳслардан сўнг Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги Пахтазор маҳалласи жамоаси 1-ўринни, Бухоро вилояти Жондор тумани Жондор маҳалласи футболчилари 2-ўринни, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласи жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Шунингдек, турнирнинг Андижон шаҳрида бўлиб ўтган минтақавий босқич мусобақаларида Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Марказ маҳалласи фуқаролар йиғинининг ёш футболчилари ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Фарғона вилояти Олтиариқ туманининг Буғдойчи маҳалласи, учинчи ўринни эса Жиззах шаҳрининг Тинчлик маҳалласи жамоалари эгаллашди.

Турнирда ҳар икки гуруҳ баҳсларида 1- ва 2-ўринни қўлга киритган жамоалар финал босқичига йўлланма олишди.

Беллашувлар сўнгида ғолиб жамоаларга турнир ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**МУХБИРИМИЗ**

# «Бунёдкор ёшлар» — келажагимиз бунёдкорлари

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

***Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бунёдкорлик, яратувчанлик фазилати айнан Истиқлол йилларида, она юрт равнақи, ободлиги учун меҳнат қилиш имкониятлари туғилиб, халқимиз руҳиятида ўз истиқболига ишонч туйғулари мустаҳкамлангач, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Бугун қай гўшага борманг, катта миқёсдаги бунёдкорлик ишларини кўрасиз. Меҳнатсевар халқимиз озод Ватанимизнинг ободлиги, равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда, ёшларимизнинг келажаги порлоқ бўлишини таъминламоқда. Ўз ўрнида она юртга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбияланиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан куч-қувватга тўлаётган ёшларимиз ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш юмушларидан четда тургани йўқ. Дарҳақиқат, кейинги икки йил мобайнида минглаб талаба ёшларимиз ёзги таътил даврини «Бунёдкор» талабалар меҳнат гуруҳларида ўтказиб, «Талаба бунёдкор — юртга мададкор!» шиори остида бунёдкорлик, қурилиш ишларида фаол қатнашмоқдалар.***

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан бутун республикамиз бўйлаб олий ўқув юртлари талабаларидан «Бунёдкор» талабалар меҳнат гуруҳлари тузилиб, улар юртимиз кўркига кўрк қўшувчи турли иншоотлар, мактаб ва боғчалар, ҳаттоки кўприклар қурилишида иштирок этмоқдалар. Жорий йилда бу ҳаракат миқёси янада кенгайиб, республикамиз бўйича 16325 нафар талаба, 5976 нафар муқим иш билан банд бўлмаган ёшлар «Бунёдкор» гуруҳларига бирикиб, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жуда муҳим иншоотлар қурилишларида қатнашдилар. Навоий вилояти марказида жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилаётган халқаро аэропорт, Жиззах шаҳрида бунёд этилган Талабалар шаҳарчаси, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Термиз давлат университетининг янги биноси, Сирдарё вилоятидаги бир қатор спорт иншоотлари қурилиши шулар жумласидандир.

Хусусан, Тошкент Ахборот технологиялари университети, унинг Самарқанд ва Қарши филиаллари талабаларидан 137 нафари Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ва Чироқчи туманларароо коммуникация тизими қурилишида иштирок этдилар. Ушбу олий таълим даргоҳлари ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали ҳисобланган «Golden universal biznes» хусусий корхонаси ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари Яккабоғ ва Чироқчи йўналишида коммуникация тизими хизматини яхшилаш имконини берувчи оптик толали кабелларни ётқизиш билан боғлиқ қурилиш объектларида меҳнат қилдилар.

— Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги филиаллари билан ҳамкорлигимиз яхши самаралар берди, — дейди «Golden universal biznes» хусусий корхонаси раҳбари Шукурилло Алимуллаев. — Энг аввало, талабаларнинг қурилиш ишларидаги иштироки олий ўқув даргоҳида олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконини берди. Чунки қайси йўналишда таълим олаётганидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири келажакда коммуникация хизмати тизимида меҳнат қилади. Бу соҳада етук мутахассис бўлиш учун коммуникация воситалари иши қай тарзда йўлга қўйилиши, махсус техник жиҳозлар қандай ишлаши ҳақида маълумотга эга бўлиш жуда муҳимдир. Шу боисдан, ёзги таътил давомидаги меҳнат талабалар учун ўзига хос тажриба мактабини ўтади, десак муболаға бўлмайди. «Бунёдкор ёшлар» гуруҳи томонидан 15 километр масофада кабел ётқизиш ишлари бажарилди. Қолаверса, бунёдкор талабалар ўз молиявий аҳволларини яхшилаб олишга ҳам эришдилар.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик шартномасида белгиланганига кўра, жорий йилнинг 1 июлидан 15 августигача бўлган муддатда қурилишда меҳнат қилган ҳар бир талабанинг пластик карточкасига ўрта ҳисобда 350 минг сўмдан маблағ ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, қурилиш ишларида ташаббускорлиги ва фаоллиги билан намуна бўлган талабалар алоҳида рағбатлантирилди. Бу муддат давомида бунёдкор талабалар учун нафақат меҳнат қилиш, балки меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқариш ва яшаш учун шароитлар яратилди, уларнинг ҳар бири зарур асбоб-ускуналар ҳамда шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланди.

— Биргаликдаги меҳнат ҳамжиҳатлик, бирдамликка чорлар экан, — дейди «Бунёдкор ёшлар» гуруҳи аъзоси, Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Шерзод Раҳматов. — Меҳнат жабҳасида бўлсада, ёзги таътилни мароқли ўтказдим, десам, янглишмайман. Чунки айнан мен таълим олаётган соҳага қизиққан дўстлар орттирдим, самарқандлик, қашқадарёлик тенгдошларим билан танишдим, фикр алмашдим. Ахир биз яқин келажакда ҳамкасб бўламиз.

— Бу ҳамкорлик икки томонлама фойдалидир, — дея фикр билдиради Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали касаба уюшмаси қўмитаси ходими, «Бунёдкор ёшлар» гуруҳи сардори Абдураҳмон Чўпонов. — Бу ҳамкорлик, айниқса, талабалар учун фойдали бўлди. Сабаби, улар ўз меҳнати билан нафақат маблағ, балки маслакдош дўстлар орттириш имконига ҳам эга бўлишди. Энг муҳими, ҳар бир бунёдкор ёш ўз меҳнати орқали Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётгани билан фахрланди, қалбидаги ватанпарварлик туйғуларини намоён этди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Golden universal biznes» хусусий корхонаси ва Тошкент Ахборот технологиялари университети ўртасидаги бундай ҳамкорлик яна давом этади. Қолаверса, эндиликда «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари фақат ёзги таътил даврида эмас, балки йил бўйи фаолият юритади ва бу гуруҳларга нафақат талабалар, балки жойлардаги меҳнат биржалари орқали доимий иш ўрнига эга бўлмаган ёшлар жалб этилади. Демак, «Бунёдкор ёшлар»имиз сафи янада кенгайиб, юртимиз равнақида уларнинг ҳиссаси ортиб бораверади. Зеро, келажагимиз бунёдкорлари айнан бунёдкор ёшларимиздир.

**Мавлуда ҚОСИМОВА**

Бухоро вилояти

***Истиқлолнинг 17 йиллик шодиёналарини юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўтаринки кайфият билан қарши олишга тараддуд қизғин. Байрамолди тадбирлари шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда, жамоат ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида қизғин давом этяпти.***

# ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Байрам, тўю-тантаналар олдидан тозалик ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратиш халқимизга хос бўлган қадимий удумлардан. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш ана шундай хайрли анъаналаримизнинг барҳаёт эканлигидан далолатдир. Жорий йилнинг 16-17 август кунлари Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари вилоятимиздаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида уюшқоқлик билан амалга оширилди. Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан аҳоли яшаш масканлари, маҳаллалар, ўқув даргоҳлари, зиёратгоҳлар, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, саришта ҳолга келтирилди. Ҳашар нафақат ободончилик, балки хайр-саховат ва мурувват тадбири ҳамдир. Шу кунлари «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, туман бўлинмалари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 50 та эҳтиёжманд, кўп болали ва кам таъминланган оилага 31 млн. сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бухоро шаҳрининг тарихий обидалари атрофида уюштирилган тадбир, айниқса, қизғин кечди. Бу ерда ҳашарчи-ёшлар катта қўламдаги ишларни амалга оширдилар.

Юртда байраму тантаналарнинг кўп бўлгани яхши, албатта. Зеро, байрамлар — халқимизнинг тинч-тотувлиги, осойишталиги, дастурхони тўкин экани нишонаси. Яратиш ишқи билан яшаётган, меҳнат қилаётган ватандошларимизни, кундан кун чирой очиб бораётган юртимизни кўриб, беихтиёр шукрона айтамиз. Дилда шундай кунларнинг қадрига етиш, юрт равнақига, шаҳару қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркам бўлишини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи туғён уради.

Осойишталик байрамнинг байрамдек ўтиши учун зарурий шартдир. Шу боис байрам кунлари тинчлик-осойишталикни таъминлашга ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билмоғи даркор. Зеро, Истиқлол байрами барчамизники, унинг кўтаринки кайфиятда ўтиши эса ҳар биримизга боғлиқ.

**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармасининг**
**Бухоро вилояти бўлими раиси.**

*Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги шодиёналари арафасида «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Миробод тумани бўлинмаси ташаббуси билан туман ҳудудида истиқомат қилувчи 33 нафар нуроний отахон ва онахонларнинг Қўқон шаҳрига саёҳати уюштирилди.*

# НУРОНИЙЛАР — САФАРДА

Фахрийлар сафар давомида Қўқон шаҳрида Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, майдон ва хиёбонлар, муқаддас қадамжолар, масжид ва мадрасалар зиёратчиларда катта таассурот қолдирди.

— Қўқон шаҳрининг равон, озода кўчалари, мустаҳкам кўприклари, бир биридан муҳташам иншоотлари, тарихий обидаларини кўриб, ҳайратда қолдик, — дейди сафар иштирокчиси Ғулом Содиқов.

— Норбўтабий мадрасаси, Худоёрхон ўрдаси, азиз авлиёлар мақбаралари ҳамда бошқа зиёратгоҳ масканлар, кўркам хиёбонларни кўздан кечирар эканмиз, осуда ва обод юртдагина ана шундай бунёдкорлик ишлари, бетимсол ўзгаришлар юз беришига яна бир карра амин бўлдик.

— Амирий, Гулханий, Махмур, Нодирабегим, Анбар Отин, Фурқат, Муқимий сингари ўзбек адабиёти намояндалари шу масканда яшаб, ижод қилганлигини биламиз, — дейди Омон Жўраев. — Мана, мустақиллик шарофати билан улар яшаган масканлар ободонлаштирилиб, зиёратгоҳ гўшалар қадр топибди. Қолаверса, қадимий ва навқирон шаҳарларимиз қатори Қўқон шаҳрининг бугунги замонавий ва гўзал қиёфаси ҳар қанча ифтихорга арзийди.

Шу куни нуронийлар Қўқон шаҳридаги миллий боғда уюштирилган аския ва айтишувларни тинглаб, мароқли ҳордиқ чиқаришди.

**Ботир УСМОНОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Миробод тумани бўлинмаси раиси.**

Мўъжизакорлар юрти

# АЛПОМИШ ЮРТГА ҚАЙТДИ

## ёхуд Ҳаққул бахшининг айтганлари

***Исмим Ҳаққул эканини эшитиб, Алпомишнинг ёнида дўмбира чертган Ҳаққул бахши деб ўйламанг. Сиз билган ўша машҳур Ҳаққул бахши катта боваларимдан бири. Менга яхши ният билан бу номни беришганда фаришталар «омин» деган эканми, ҳартугул, гўдаклигимдан гапга чечан, тиллижағли бўлиб ўсдим. Энг яқин жўрам дўмбирам бўлди.***

Қанча-қанча одамларни соатлаб достон айтиб, оғзимга қаратган чоғларим бор. Энди-энди қарибманми, гоҳида кампирим «Чол тушмагурга фақат гапдан берган», деб жавраб қўядиган бўлди. «Чакагингни ўчир», деб дўқ урсам ҳам пинак бузмайди. Аҳёнахёнда заҳардек аччиқ гапларни минғирлаб қўйишини айтмаса, кампирдан ялчиганман. Ҳозир ҳам кийикдек югуриб хизматимни қилади. Бир хотин бўлса, шунча бўлар-да.

Худога шукр, қатор-қатор фарзандлар кўрдик, уларни уйлижойли қилдик. Супрақоқдимиз Ҳакимбекнинг бўйнига ҳам тўрва халта илсак — болалардан тинчиганимиз шу. Энасининг айтишича, эрта-индин униям боши иккита бўладиган кўринади. Жўлли ҳолвапазнинг кенжатой қизини суйиб қолганмиш. Ўзи кичкиналигидан ширага ўч эди, энағарди ули.

Шу арзандамиз Ҳакимбей сағал бесарроқ чикди. Озғина ўзбошимчароқ, сиркаси сув кўтармайди. Баъзан кампир хуноб бўлиб, «Отасининг мияси суюлган пайтда туғилган болада, бу», деб қойийди. Мен эса «Энасига тортган. Сенинг қонинг суюлган пайтда туғилган», деб қўяман. Бола тушмагур аввалига ўқийман, деб шаҳарга кетди. Аммо, ўқишга кирди, аканг қарағайди ули. Одамлар «Ўғлингиз ўз билими билан ўқишга кирганмишми?» дейишганда, икки терак бўйи ўсдимов. Кейин икки-уч йил ўқиб-ўқимай яна ҳунар чиқарди. Нима эмиш, чет элга ўқишга кетармиш. «Грант ютдим», дейдими-ей. «Унинг нима?» деб сўрасам, «Бир талай билимдон ўғил-қизлар орасидан олиб чиққан улоғим», дейди. Олдинига энасига қўшиб роса бўралаб сўкдим, кейин улоқ олиб чиққан бўлса, қандини урсин, деб ҳовуримдан тушдим. Шуйтиб, тўрт-беш йил чет элда ўқиб, ишлаб келди. Бир куни денг, уйга қилтириққина ранггар жўрасини бошлаб келди. Инглиз эмиш, икки-уч кун меҳмон бўлишди. Меҳмон менга алламбалоларни гапириб, «окей, окей», деб қўяди. Бу мени ака деяпти, шекилли, ўзбекчани оз-моз биларкан-да, деб гап бошласам, қаёқда, ҳеч нарсани тушунмас экан. Улим «окей» ўзбекчада «яхши» дегани, деб тушунтирди. Меҳмон азиз эмасми, мен ҳам то у кетгунча «окей, окей»лаб юрдим.

Шуйтиб, арзандамиз чет элдан келди, ҳозир Тошкентда ишлаяпти.

Қишлоққа келганда мени машинасига солиб, у ёқ-бу ёқни айлантириб келади. Туриб-туриб, ҳайрон қоламан, ўзбекнинг боласи чет элда ўқиши илгари тушдай бир гап эди. Мана биз, саллотлик баҳонасида қозоқнинг чўлини кўриб келганимизни ҳисобга олмаса, Деҳқонободнинг тоғидан нарига ўтмаганмиз.

Ҳакимбейимиз уч-тўрт ойдан бери бағримизда. Бир қарасанг японларни, бир қарасанг турк, хитойларни етаклаб юради. Улар бу ерда нималардир қураётган эмишми-ей, яна билмадим. Энаси ули пинжида эканидан хурсанд.

Тунов куни улимиз «Ота, сизга бир ғаройиб жойларни кўрсатай, кўриб нақ афсона дейсиз», деб қолди. Гап билан бўлиб, Ҳакимбей айтган жойларга қандай етиб борганимизни билмай қолибман.

— Мана бу вокзал, — деди у. — Ҳозирча юк ташувчи вагонлар қатнаяпти. Эрта-индин бу ердан йўловчи поездлар ҳам қатнай бошлайди.

— Уч-тўрт йил бурун бу ерлар тоғу тош эди-ку, улим, дедим ҳайратдан оғзим очилиб.

Ҳақиқатан афсона деганингча бор экан. Худди Деҳқонободга катта бир шаҳарнинг бир бўлагини кўчириб келтириб қўйгандек-а?!

Гирдимга назар солдим: чиройли қурилган бинолар, йўлкалар, гуллар... Энди поездга ўтириб, хоҳласак Қарши, хоҳласак Термизга боришимиз мумкин экан. Бу гапни йигирма йил олдин бировга айтсам, ишонмасди. «Бу чол достон куйлайвериб, мияси айниб қопти», деб калака қиларди. Сағал нарироқда яна катта қурилиш авжида — қандайдир зовут қурилаётганмиш. Ишга тушса, анча-мунча одам ишли бўларкан. Эҳ, бундай мўъжизалар бизларнинг етти ухлаб, тушимизга ҳам кирмаган эди.

Шу маҳал денг, узоқдан поезднинг шовқин-сурони эшитилди. Хаёлим қочиб, юрагим ҳапқириб кетди — бамисли Алпомиш юртга қайтаётгандек туюлди. Одамлар билан гавжум вокзал эса бовам Ҳаққул бахши айтган манзара — етти йиллик айрилиқдан сўнг ўз юртига қайтган Алпомишни кутиб олаётган халқ тўлқинини эслатди. Ўзим билмаган ҳолда ёнимдаги йигитни қучиб, «Алпомиш юртга қайтди, болам», дея қувончдан йиғлаб юборибман.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Даврон СУЛТОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** *Деҳқонобод темирйўл шоҳбекати бошлиғи И.Дўлобов ва Н.Раҳмонов; шоҳбекатнинг ташқи кўриниши.*
**С.ҒАФФОРОВ олган суратлар.**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Шу кунларда касбий фаолиятингизга бор куч-қувватингизни сарфлашингизга тўғри келади. Айрим масъулиятли ишларни уддалай олсангиз, раҳбариятдан ҳам раҳмат, ҳам рағбат оласиз.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Фарзандларингиз билан боғлиқ ташвишлар олдиндан режалаштирилган меҳмондорчиликларни чиппакка чиқариши мумкин. Катта юмушларга қўл урмай туринг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)**

Яқин кунларда рўзғорингизга барака, хонадонингизга давлат кириши эҳтимоли йўқ эмас. Арзимас харидларингиз ҳам кўнгилли ва фойдали бўлади. Яқинларингиз билан баҳслашмасликка ҳаракат қилинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Ҳар қандай ташаббусингиз оила аъзоларингиз томонидан яхши қабул қилинади. Лекин узоқ муддатга мўлжалланган ишларни бошламай турганингиз маъқул.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Молиявий аҳволингизни яхшилаш, маблағ жамғариш учун қулай фурсат етди. Фақат шунга яраша меҳнат қилишдан бўйин товламасангиз бўлди.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Айни кунларда ёлғиз қолиб, ҳиссиётларингизни жиловлашга вақт топсангиз яхши бўларди. Ақл билан иш тутиш сиз учун ҳар қачонгидан муҳимроқ.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, бундан бутун дунё хабардор бўлиши шарт эмас. Унутмангки, айни вазиятда энг ишончли ҳамкорингиз — қалбингиз ва ақлингиздир.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Жамоадошларингиз билан ҳамжиҳатликда ишлаш, айниқса, сизнинг келгусидаги иш фаолиятингизда яхши натижалар беради. Ҳамманинг сизга хайрихоҳлигидан фойдаланиб қолинг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Муҳим ҳужжатларни расмийлаштиришни ортиқ кечиктириб ўтирманг. Бу қўшимча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳамкорларингиз билан муносабатда хушёрроқ бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Олисгами, яқингами, хуллас, ҳар қандай сайру саёҳат сиз учун жуда омадли ва кўнгилли кечиши мумкин. Техника воситаларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлсангиз кифоя.

**КОВҒА (20.01-18.02)**

Таваккалнинг боши кал, дейишади. Лекин айни кунларда фаолиятингизда бу мақолга амал қилишингиз шарт эмас. Айнан таваккалчилик натижасида ишларингиз олға силжийди.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Фарзандларингиз ва севган кишингиз билан боғлиқ ташвишлар билан банд бўласиз. Бу ташвишлар сизга ёқимли туюлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда вақтингиз хуш ўтади.

Истиқлол — эркин ва фаровон ҳаётимиз гарови

# ҲУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

## Пойтахтимизда ҳунарманд усталар ясаган буюмларнинг кўргазма-савдоси бўлиб ўтди

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимиз ҳунармандлари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.***

Марғилонлик заргар Абдуҳамид Абдужабборов сўнгги йилларда «қашқар балдоқ», «кокилли балдоқ», «фарғонача зебигардон» каби қадимий зебзийнатларни қайта тиклашга муваффақ бўлди. Уста ясаган буюмлар нафақат юртимиз, балки хорижий давлатлардаги кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

— Ушбу кўргазманинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ташкил этилиши миллий қадриятларимизга, ҳунармандликка бўлган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди А.Абдужабборов.

Уч кун давом этган кўргазмада миллий ҳунармандликнинг заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, созгарлик, гиламдўзлик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик каби йўналишлари бўйича ижод намуналари намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Сарвар Ўрмонов** *(ЎзА)* **олган суратлар**


# 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни!

*Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!*

*Юртимиз равнақи ва ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидан қалбимиз чароғон, ҳаётимиз фаровон бўлаверсин!*









Mahalla

**Таҳрир ҳайъати:**
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Бектош Исмоилов**
Мусаҳҳиҳ: **Муҳаббат Боймуродова**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
**Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.**

**Телефонлар:**
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 27 август 35 (637)

11951 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 22.40
1 2 3 4 5